ҲИНД ВА ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИНИНГ УРФ-ОДАТ, АНЪАНА, ҚАДРИЯТЛАРИГА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Орзимурод Юсуфалиев
Гулистон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотатция: Ушбу мақолада муқаддас Авесто китоби ва унинг Ҳиндистонга бориб қолиши сабаблари мисоллар асосида келтирилган. Қолаверса Хитой халқи ижтимоий ҳаётига Будда таълимотининг кириб бориш сабаблари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: миграция, мажбурий миграция, ихтиёрий миграция, урф-одат, анъана, маросим, қадрият, ахлоқ, дин, Зардўштийлик, Авесто, Будда, иероглиф, синкретик ва б.

Ижтимоий тараққиёт давомида муайян ҳудудлардаги маданий, маърифий, ижтимоий, ахлоқий, сиёсий жараёнлар ривожига аҳоли миграциясининг таъсирини бевосита кузатишимиз мумкин. Бу жиҳатлар халқлар маданий ҳаётида урф-одатлар, анъаналар у ёки бу миллат, халқ, этносга тегишли урф-одат, анъана, қадриятларнинг ўзига хос кўриниши сифатида ўзаро уйғунлашиб (синкретик), борганлигида кўринади. Бу тарихан бир ҳудудда яшаётган ва уларга келиб қўшилган этнослар тилларининг ўхшаш жиҳатларида, маданияти қоришиқлигида, диний-ахлоқий қарашларининг муштараклигида яққол намоён бўлади, десак хато эмас. Жумладан, қудратли Хоразм диёрида вужудга келиб, вазият тақозосига кўра Ҳиндистон заминига етиб бориб, уларнинг муқаддас динларидан бирига айланган Зардўштийлик ҳамда Авесто. Ёки Будда динининг Марказий Осиёдан Хитой ҳудудига кириб бориб тараққий этиши бевосита миграция жараёнлари билан боғлиқ ҳодисадир. Ўз навбатида бу ўринда миграция жараёнларининг мажбурий ёки ихтиёрий бўлганлигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Қай ҳолатда бўлган бўлсада, бу халқларнинг келгусидаги турмуш тарзи, маданияти, дини, ахлоқий қарашларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатган.

Хоразмшоҳ 4-5 кундан кейин Ходаркатга номаълум қуролли кишилар хужум қилганлигини, қаршилик қилган барча коҳин ва роҳибларни ҳам ўлдирганлигини, муқаддас Авесто китоби ўғирлаб кетилганлиги тўғрисидаги хабарни эшитди.

Аслида Искандар Зулқарнайн Хоразм ерларини босиб олганда муқаддас Авесто китобини ҳам қўлга киритишни мақсад қилган эди. Шу сабабдан Хорамшоҳ Фаразмонга 500 кишилик македон аскарларидан ушбу китобни бериб юборишни амр этади. Хоразмшоҳнинг вазири доно Вохумон бу жараёнда беэътибор бўлмай агарда душман қўшини билан шаҳарга кириб муқаддас манбани олишса бу халқнинг нафратига сазовор бўлишини уқтиради. Буни эшитган бир гуруҳ оломон китобни бермаслик учун уни ўғирлаб кетишади. Барибир Искандар Зулқарнайн уни қўлга киритиб ўтда ёқишга амр этади.

Бироқ муқаддас манбани ўтда ёқмоқчи бўлган Искандар Зулқарнайн китобни устози Арасту ўқий олишини билгандан сўнг фикридан қайтиб, бу китобни 500 кишилик аскарлар билан македонияга юборишга аҳд қилади.

Ушбу аскарлар ўша давр халқи учун жонидан ҳам азиз бўлган муқаддас манбасини олиб кетиши албатта Хоразмнинг мард ва жасур халқига ёқмаган. Шу сабабдан бир гуруҳ фидойи кимсалар саркарда Барзин Кўх атрофида бирлашиб, пайт пойлаб йўлда кетаётган карвонга хужум қилиб, муқаддас манбани қўлга киритишган. Айрим манбаларда улар 21 та китобни айрим манбаларда эса 14 китобни қўлга киритишганлиги қайд этилади. Улар учун ягона нажот Искандар зулмидан ҳоли бўлган ҳудуд Ҳиндистон бўлиб, Эрон тоғ йўллари орқали ўша ёққа қочиб кетишган.[1]

[1] Тоҳир Карим. Муқаддас Авесто изидан. Тошкент; “Чўлпон”, 2000 й. 40-б.

Бу мажбурий миграция бўлсада, Ҳиндистонда Зардўштийлик таълимотининг тараққиёти ва унинг бошқа Ҳинд динлари билан қоришиқлиги жаҳон халқларига янги урф-одат, анаъана ва қадриятларни бера олган деб айта оламиз.

Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар сиёсий, иқтисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Ушбу муносабатларнинг ривожланиши эса мавжуд савдо йўллирига, уларнинг хавфсизлигига ҳамда бу масалани ҳал қила оладиган давлатнинг тарихий саҳнага кириб келишига бевосита боғлиқдир. Мана шундай давлат милодий 26-36 йилларда ташкил топган Кушон хонлигидир[1]. Кушон давлатининг вужудга келиш арафасида Туронда мавжуд бўлган вазиятга эътибор берсак, дастлаб милоддан аввалги биринчи асрларнинг сўнгги даврларида кушонликлар (дайрузиелар/даюечжилар) қадимги хитойликларга будда дини ҳақидаги маълумотларни етказган. Кушон давлати тарих саҳнасига чиққандан сўнг, кўплаб маҳаллий будда роҳиблари, савдогарлар ва элчилар сифатида Хитойга борган ва будда сутраларини хитой тилига таржима қилишган. Унга қадар будда дини Марказий Осиёда кенг ёйилган эди. Айнан мазкур дин Кушон империяси даврида гуллаб яшнади. (Бу даврда Марказий Осиёда Ҳиндуизм, Монийлик, Маздак таълимотлари ҳам мавжуд бўлганлигини назардан қочирмаслик керак)[2]

Хитойликлар Турондан келган роҳиблар билан мулоқотда уларнинг исмини талаффуз этишида қийналишган. Шу боис, хитойликлар меҳмонларнинг исмини қисқартирган ҳолда юрти ёки мамлакатининг номини фамилия қилиб беришган. Масалан, Кангкия (Қанғ) давлатидан ҳамда Самарқанд шаҳридан борган роҳибларга канг (康), Кушон давлатидан борганларга замонавий ўқилишда чжи (支, қад. ўқ. Цие), Парфия давлати ва Бухоро шаҳридан борганларига ан (安) Ҳиндистондан борганларга чжу (竺) иероглифи фамилия сифатида ишлатишган. Бироқ чжу фамилиясини олганларнинг келиб чиқиши доим ҳам Ҳиндистондан бўлавермаган. Шу боис, хитой манбаларида Хитойда фаолият кўрсатган аксарият хорижлик роҳиб ва савдогарлар исмига қўшилган шу иероглифларни уларнинг асл маҳаллий исми деб қабул қилиш хато ҳисобланади. Бундай анъана ўша даврда хитойча ёзма манбаларида сақланиб қолган бўлиб, роҳибларнинг Марказий Осиёдаги қайси давлатдан келганини билиб олиш мумкин. Ғарб олимларининг тадқиқотларида исми канг сўзи билан бошланадиган роҳибларни сўғдиёналик (sogdian) деб қайд этилган.[3]

Қадимги Турон заминидан Хитойга бориб қолган роҳиблар ва коҳинлар албатта ўша даврда ижтимоий-сиёсий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан ўз ихтиёрларига биноан боришган. Бу эса Хитой маданиятига сезиларли таъсир кўрсатган. Шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда ҳам Хитой халқи биздан ва бизнинг аждодларимиздан шундай ҳам дин ҳам ахлоқ ҳам маданият бўлган таълимотни уларга киритганлигимиз ва ўргатганлигимиз учун миннатдор. Хитой ва Ҳинд халқлари орқали бу таълимотларнинг бошқа халқларга ҳам тарқалиши ва ўрганилиши яна бир мавзу.

Юқоридаги фикрлардан ҳам кўринадики, ҳар бир миллатнинг урф-одат ва анъаналари, ахлоқий-диний қарашлари шаклланишида бошқа халқларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Ва бу жараёнда мажбурий ва ихтиёрий миграциялар алоҳида ўринга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тоҳир Карим. Муқаддас Авесто изидан. Тошкент; "Чўлпон", 2000.
2. Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011.
3. Ўзбекистон – Хитой муносабатлари тарихидан. Тошкент; "Fan Ziyosi", 2022.

[1] Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). Алматы, 2011. С. 201.
[2] Ўзбекистон – Хитой муносабатлари тарихидан. Тошкент; "Fan Ziyosi", 2022. 5-б.
[3] Zürcher, E. (Erik). The Buddhist conquest of China: the spread and adaptation of Buddhism in early medieval China / by E. Zürcher ; with a foreword by Stephen F. Teiser-3d ed. Leiden, 2007.

4. Zürcher, E. (Erik). The Buddhist conquest of China: the spread and adaptation of Buddhism in early medieval China / by E. Zürcher ; with a foreword by Stephen F. Teiser-3d ed. Leiden,